

# ЁШ АВЛОДНИНГ ОНГИГА МИЛЛИЙ ВА МУМТОЗ МУСИҚА САНЪАТИ ДУРДОНАЛАРИНИ СИНГДИРИШ ОМИЛЛАРИ .

Гулмкодилова Эълнора Дилшоджон кизи <sup>1</sup>

## Аннотация

Бугунги кунда мумтоз мусиқа санъатимизни, мақомлар, ҳамда анъанавий хонандалик ижрочилигини халқимизнинг жуда кам фоизи тушунади. Хаттоки, мусиқа санъати билан шуғулланиб юрган ва шу соҳада ўқиган хонанда ва созандалар ҳам ўтган XX асрда яшаб ижод қилган, ўзларининг бетакрор ижролари билан ўзбек миллий мусиқа санъатида ном қозонган устоз санъаткорларимиз ҳақида маълумотга эга эмас. Миллий чолғу созларимиз тарихи ва уларнинг яратилиши тўғрисида билимлари йўқ. Ёшларимиз, катталар ҳам миллий чолғуларимизнинг номларини ҳам аниқ билишмайди. Рубобни “дутар” дейди. Баъзида “тинғир – тинғирингни бас қил”, деган танбеҳлар қулоғимизга чалиниб қолади. Мактаб ўқувчилари ҳам бизнинг миллий чолғу созларимиз саналган чанг, уд, ғижжак, доира, най, танбур, рубоб, қонун ва бошқа чолғу созларнинг номларини, ҳамда уларнинг машхур ижрочилари ҳақидаги билишлари шарт бўлган маълумотлардан беҳабар. Ёшлар бу миллий чолғу созларимиздан кўра гитара, электроорган (клавиш), кларнет, аккордеон, ударник (зарбли чолғулар) чолғу созларини яхши танийди.

**Калит сўзлар:** Мумтоз мусиқа санъати, мақомлар, анъанавий хонандалик, устоз санъаткорлар, миллий чолғу созлар.

Ота-боболаримиз аслида яшаш тилсимини алломаларимизнинг ибратли ҳикматлари, тарбиявий китоблари билан бирга Шашмақом куйлари ва ашулалари, ҳамда миллий-мумтоз ашулаларимиз туфайли шакллантирган. Қадимдан халқимиз машғул бўлиб келаётган миллий мусиқа чолғу созларимиздан най, дутар, танбур, сато, ғижжак, уд, чанг, рубоб, доира кабиларнинг яратилиши ҳам аждодларимизнинг маданияти буюк бўлганлигидан дарак беради. Бу миллий чолғу созларининг устозлар ижросидаги талқини мумтоз мусиқа ихлосмандларини хайратлантириб келмоқда. Ўтган асрда яшаб, ижод этган бир қанча буюк созандаларнинг миллий чолғу созларида ижро этган куйлари аллақачон халқимизнинг маданий бойлигига айланган. Ёшларимиз бу чолғу созларининг

<sup>1</sup> Student of Namangan State University



номини, ижрочилари ҳақидаги маълумотларни афсуски, жуда кўпчиликлари билишмайди.

Бу камчиликларни бартараф этиш учун ўтган XX асрда яшаб, ижод қилган, халқимизнинг қалб тўридан алоҳида жой олган устоз ҳофиз санъаткорларнинг, бастакорларнинг, хонанда-ю созандаларнинг ва миллий чолғу созларимизни, уларнинг моҳир ижрочиларини телевидение ва радио орқали реклама роликларида тарғибот қилиш, ҳамда ўша санъаткорларнинг сувратларини мактаб ўқувчиларининг кундалик дафтарлари ва бошқа фанлардан ёзув дафтарлари муқоваларига жойлаштириш керак. Телевидение орқали ўтган асрда ижод қилган таниқли санъаткорлар, бастакор ва ҳофизларнинг суратлари кўрсатилиб, улар ҳақида маълумотлар берилаяпти. Бу тарғиботдан мақсад халқимизга, айниқса ёшларга ўзбек миллий чолғу созларини, миллий ашула ва кўшиқлар бастакорларини ва ҳофизларини яқиндан таништириш.

Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш керак деб ўйлайман. **Бирламчи:** ўзбек халқ миллий чолғу созларининг номларини аниқ билиб олиш; **Иккиламчи:** ҳар бир чолғу созининг расми ва ҳажмини билиш; **Учламчи:** ушбу чолғу сози ўзбек миллий чолғу созларининг қайси гуруҳига мансублигини билиш; **Тўртламчи:** ушбу чолғу созида ижрочилик борасида юртимизда ва дунё миқёсида ном таратган устоз созандаларнинг исмлари, ҳаёти ва ижоди бўйича маълумотларни билишлари лозим бўлади.

Баркамол инсонни тарбиялаш, унинг маънавий дунёсини шакллантириш, миллий кадриятларга бўлган эътиборини ривожлантириш аслида умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларидан бошланиши керак. Болаларда санъатнинг барча жанрларига, соҳаларига муҳаббат уйғотиш ўша даврдан амалга оширилади. Бошланғич синфларда ана шундай серқирра қобилиятга эга бўлган ўқувчилар кўп учрайди. Бундай болалар кўшиқ айтишни, рақсга тушишни, мусиқа чолғу созларида чалишни ҳам осонлик билан уддалайди. Фақат уларга яхши устоз керак бўлади. Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу умумтаълим мактабларидаги фаолият олиб бораётган мусиқа маданияти фани ўқитувчиларининг ўз мутахассислиги бўйича билим даражаси. Умумтаълим мактаблари мусиқа маданияти фани ўқитувчилари бошланғич синф ўқувчиларига қандай таълим беришяпти? Агар республикамиздаги умумтаълим мактабларида мусиқа маданияти фани дарслари олиб борилишининг бугунги кундаги ҳолатини бир таҳлил қилсак, жуда кўп муаммоларга дуч келамиз.

**Биринчидан,** умумтаълим мактабларининг 90 фоизида мусиқа маданияти фани учун алоҳида синф хонаси ажратилмаган.

**Иккинчидан,** аксар мактабларда пианино ёки ўзбек халқ чолғу созлари, рубоб, дутор, доира ва бошқа чолғу созлари харид қилинмаган.



**Учинчидан,** ўқув режасига асосан 1-7 синф ўқувчиларига бир ҳафтада 1 соат мусиқа маданияти дарси белгиланган. Бу жуда кам. Камида икки соат ажратилиши керак.

**Тўртинчидан,** аксар мактабларда бадий ҳаваскорлик (ашула, рақс, театр, хор, рубоб – доира) тўғрақлари фаолиятлари йўлга қўйилмаган.

**Бешинчидан,** умумтаълим мактабларининг мусиқа маданияти фанига, мусиқа ўқитувчисига раҳбарият томонидан кўрсатилиши зарур бўлган жиддий эътибор, муносабат етишмайди.

Бу муаммоларнинг ҳар бири ёш авлодни маънавиятини, миллий ғурурини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида жуда катта тўсиқ бўлаётганлиги барчамизга маълум.

Умумтаълим мактабларида, ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқув режаси асосида ўқитилаётган маданият ва санъат йўналишидаги фанларнинг дарсликларини илм – фаннинг, адабиёт, санъат ва маданият соҳаларининг сўнгги инновацион янгиликлари, янги технологиялар асосида қайтадан кўриб чиқиш керак. Бугунги кунда умумтаълим мактабларида фойдаланилаётган мусиқа маданияти дарсликлари тўғрисида мутахассислар турли хил фикр ва мулоҳазаларини билдиришяпти. Кимлардир дарсликни содалаштириш лозим дейишса, бошқа бир мутахассис дарсликни янада мукамаллаштириш, унга мумтоз ва мақом асарларини ҳам киритиш керак, деган фикрни билдираяпти. Маълумки, мусиқа маданияти фани дарслигида бошланғич синфдан бошлаб, ўқувчилар айрим мусиқий асарларни (қўшиқ, ашула) айтишни ўрганиши, бошқа бир мусиқий асарларни тинглаши лозимлиги қайд этилган. Демак, ўқувчи қайси қўшиқ ёки ашулани ўрганиши, ҳамда қандай мусиқий асарларни тинглаши зарурлигини аниқ билиши керак. Шунинг учун дарсликда ўқувчилар айтадиган ва тинглайдиган мусиқий асарлар алоҳида кўрсатилиши керак.

Ҳозирги вақтда умумтаълим мактабларининг мусиқа маданияти фани дарсликлари алоҳида жиддий таҳрирга муҳтож. Дарсликни тайёрловчи мутахассислар Олий таълим, фан ва инновациялар, Маданият, ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирликларининг буюртмасига асосан нуфузли комиссия иштирокида амалга оширилиши лозим. Бу комиссия таркибига Ўзбекистон давлат консерваторияси, ЎзДСМИ, Тошкент давлат Педагогика университети, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек Миллий мусиқа санъати институти, ҳамда Республика Мусиқа Академик Лицейлари ва вилоятлардаги умумтаълим мактабларининг энг илғор, тажрибали устоз-педагоглари киритилиши лозим. Дарслик ёш авлоднинг келажагини ўйлаб, унинг маданият ва санъат соҳасида Олий ўқув даргоҳларида ўқишни давом эттириши учун зарур бўлган билим ва маълумотлар билан бойитилган, болаларнинг қайси касбни эгаллашларидан қатъий назар, санъат ва мусиқанинг сеҳрли оламини ҳис эта олишларида энг зарур манба сифатида



мукаммал бўлишига эришиш керак. Ўзбек санъатини, миллий ва мумтоз мусикасини ҳар бир ўқувчи, талаба, ўқитувчи худди тарихни билгандай, адабиётни билгандай мукаммал билиши шарт.

Мусиқа маданияти дарсликлари дизайн жиҳатидан ҳам жудаям гўзал бўлиши талаб қилинади. Китобнинг мазмуни, қизиқарли маълумотларга бой бўлишлиги, муқоваси ва мундарижаси янги технологиялар асосида, рангли, ҳар қандай камчиликлардан ҳоли кўринишда бўлиши керак. Мусиқа маданияти дарслиги ҳар жиҳатдан мукаммал, ўқувчининг доимий ҳамроҳи бўладиган, доим фойдаланадиган китоби бўлиши керак. Дарсликда ўрганиладиган кўшиқлар муаллифлари, ижрочиларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил маълумотлар ёритилиши керак. Халқимизда “Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир”, деган нақл бор. Фарзандларимиз мактабда бошланғич синфда ўқиган давридан ўзбек миллий мусиқа санъати дурдоналаридан тўлиқ баҳраманд бўлишса ва мусиқа илмидан мукаммал таълим олсалар, улар ҳаётда шунчалик мустаҳкам ўринларини топадилар.

Дарсликда албатта, ўқувчиларнинг иқтидори ва қобилиятига қараб ўрганиладиган мусиқий асарларнинг қийинлик даражаси уч хил кўринишда: осон ўрганиладиган, ўртача ва мураккаб қийинликда бўлиши кўзда тутилиши лозим. Иқтидорли ўқувчилар билан дарсдан ташқари алоҳида кўшимча машғулотлар олиб борилиши керак. Шунинг билан бирга мусиқий қобилияти пастроқ ўқувчилар билан ҳам ишлашни давом эттириш лозим. Мусиқа маданияти дарслигининг бошқа дарсликлардан ажралиб турадиган ўзига хос томони шунда намоён бўладики, бу дарсликда мусиқа йўналишининг барча жанрлари ўқувчиларга ҳавола этилиши керак бўлади. Бу жанрлар ичида хор, жамоа бўлиб куйлаш ва мусиқий асар тинглаш жараёнларида болаларнинг мусиқий дидини шакллантириш етакчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, машғулотнинг таркибий қисмлари — кўшиқ куйлаш, мусиқа чолғу созларида жўр бўлиш, мусиқа остида ритмик ҳаракатлар қилиш жараёнларида ҳам болаларнинг мусиқий дидлари шакллантириб борилади.

Ҳар қандай дарслик албатта узоқни кўзлаб, истиқболли режалар асосида, фарзандларимизнинг эртасини ўйлаб тайёрланиши лозим. Чунки ушбу дарслик туфайли келажакда ёшларимиз халқимизга нафи тегадиган, илмли, одобли, тарбияли, маданиятли, зукко ҳамда, мусиқа маданияти фанини чуқур эгаллаган етук мутахассис бўлишлари шарт. Бу дарсликка киритилган ҳар бир мусиқий асар, ҳар бир назарий қоида, луғат ва атамалар ўқувчиларга энг тўғри ва аниқ ахборот бера оладиган дастур вазифасини бажариши керак. Ўрганилиши лозим бўлган ашула ва кўшиқларнинг муаллифлари, матн ва нота ёзувлари асл нусхадагидек, биринчи хонанда ижро қилганидек бўлиши шарт. Агарда дарсликка бирон ашула ёки кўшиқ матни, ижроси хато жойлаштирилса, бу нарса қанчадан - қанча ёшларимизни мумтоз ашулалар ёки бастакорлар яратган кўшиқни нотўғри ўрганишига сабаб бўлади. Хато ёзилган биргина шеър ёки нота ёзуви ёш хонанда



учун унинг келгуси ижодий фаолиятида кўплаб нохушликларни олиб келиши мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ш.М.Мирзиёев. “Миллий мақом санъатини ривожлантириш ва ёшлар онгига сингдириш” тўғрисидаги 2017 – йил 17 ноябрдаги қарори.
2. Ю.Ражабий. “Ўзбек халқ музикаси”. 1959-йил. 1-9 томлар.
3. Д. Каримова. “Олий таълимда мусиқа таълими фанларини ўқитиш методикаси” - Тошкент. 2018 – йил. Ўқув Услубий Мажмуа.

